2013 йил 18 октябрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 208 (12.519)

*Баҳоси эркин нархда*

## ЎЗБЕКИСТОН — ЛАТВИЯ:
# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан 16-17 октябрь кунлари ушбу мамлакатда бўлди.**

Ташрифнинг асосий тадбирлари 17 октябрь куни бўлиб ўтди.

Латвия Президенти қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими ўтказилди.

Икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида Президентлар икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини муҳокама қилди, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон ва Латвия ўзаро муҳим ва ишончли ҳамкор эканлиги, мамлакатларимизни кўп йиллик анъанавий ҳамкорлик ва мустаҳкам дўстлик ришталари боғлаб туриши таъкидланди.

Қайд этиш керакки, музокаралар ёрқин воқеа билан бошланди: Ўзбекистон Республикаси Президентига Латвиянинг олий давлат мукофоти – биринчи даражали «Эътироф крести» ордени топширилди. Латвия Республикаси Президенти мамлакатимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Бу бир жиҳатдан икки давлат раҳбарларининг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдаги улкан хизматларининг ўзаро эътирофи бўлса, бошқа томондан, муносабатларни янада мустаҳкамлаш борасидаги умумий манфаатдорлик ва интилишларнинг ифодасидир.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. 1992 йилда Ўзбекистон ва Латвия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён ўзаро ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларига оид қирқдан ортиқ давлатлараро шартнома ва ҳукуматлараро битимлар имзоланган.

Парламентлараро ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда – парламентлар аъзоларининг ташрифлари мунтазам амалга оширилиб, қонун ижодкорлиги борасидаги ўзаро тажриба алмашиш яхши самаралар бермоқда. 2010 йилда Латвия Сеймида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ таъсис этилди. 2012 йилда Ўзбекистон парламентида Латвия Сейми билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ ташкил қилинди.

Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам ва конструктив маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган.

Музокаралар чоғида терроризм, экстремизм, наркотрафик каби замонавий таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашишга оид масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Латвия томони Ўзбекистоннинг Афғонистонни иқтисодий ва ижтимоий тиклаш борасида кўрсатаётган ёрдами, хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро коалициянинг иштирокчи давлатлари билан ҳамкорлигига юксак баҳо берди.

Томонлар кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон ва Латвиянинг ёндашув ва позицияси ўхшаш ва яқин эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Латвия Президентлари савдо-иқтисодий, сармоявий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги масофа анча узоқлигига қарамай, транспорт, жумладан, автомобилда ва халқаро ташувлар соҳасида, таълим, фан, қишлоқ хўжалиги, аккредитация ва метрология, ахборот технологиялари, туризм ва бошқа йўналишларда фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Таъкидланганидек, мамлакатларимиз ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириши учун барқарор шартномавий-ҳуқуқий асослар яратилган. Иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорлик, инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш борасида эришилган келишувлар амал қилмоқда.

Латвия – Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги йирик савдо ҳамкорларидан биридир. Энг кўп қулайлик яратиш тизими самарасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2012 йилда қарийб 20 фоиз ўсиб, 246 миллион АҚШ долларидан ошди. Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, бу кўрсаткич 126 миллион долларни ташкил этди.

Ўзбекистон Латвияга юқори сифатли пахта толаси, мотор мойлари, фармацевтика маҳсулотлари ва бошқа товарлар етказиб беради. Латвия мамлакатимизга ускуналар, транспорт воситалари, пластмасса экспорт қилади, шунингдек, логистика хизмати кўрсатади.

Ўзаро инвестициявий ҳамкорлик ривожланмоқда. Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокидаги 22 корхона фаолият юритмоқда. Латвияда эса мамлакатимиз компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган қирқдан ортиқ корхона ишлаб турибди.

Мамлакатларимиз ҳамкорлигида транспорт, илмий-техникавий, туризм, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида муҳим қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Эришилаётган бундай улкан ютуқ ва марралар мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар, икки мамлакат ҳукуматлари вакиллари ва ишбилармон доираларининг доимий алоқаларининг муҳим самараларидир.

Ўзбекистон ва Латвия иқтисодиёт соҳасида улкан салоҳиятга эга эканлиги таъкидланди. Томонлар бу имкониятлардан янада самарали фойдаланиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Латвия тенг ҳуқуқли иқтисодий ҳамкорлардир. Мамлакатларимиз ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириши мумкин бўлган йўналишлар кўп. Ўзбекистон компанияларининг жорий йил сентябрь ойида ўтган «Riga Food – 2013» халқаро кўргазмасидаги иштироки натижалари ҳам бунга мисол бўла олади. Ушбу кўргазма якунларига кўра, Ўзбекистоннинг мева-сабзавот маҳсулотларини Латвия ва Европа мамлакатларига етказиб бериш бўйича 100 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги шартнома ва келишувлар имзоланди.

Ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналиши бўлган транспорт соҳасини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Бу асосий минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқиш мақсадида мамлакатларимиздан амалдаги транспорт йўлаклари рақобатбардошлигини ошириш, бунинг учун мавжуд транзит салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланишни тақозо қилади.

Ўзбекистон ва Латвия қишлоқ хўжалиги, туризм, фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорлик бўйича ҳам улкан салоҳиятга эга.

Ўзбекистон томони, шунингдек, латвиялик ишбилармонларни туризм соҳасида ҳамкорликка жалб этиш, бу борада кадрлар тайёрлаш бўйича тажриба алмашишга ҳам қизиқиш билдирмоқда.

Латвия, умуман, Болтиқбўйи мамлакатлари аҳолиси Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз каби шаҳарларини яхши билади. Қадимий Мовароуннаҳрнинг сеҳрли олами, бой тарихи ва анъаналари барчани мафтун этиши табиий.

Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифи доирасида Ригада бизнес-форум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Латвияда биргаликда бизнес юритиш имкониятлари, ҳамкорликнинг янги йўналишлари, Латвия логистика тармоқларидан Ўзбекистоннинг фойдаланишини кенгайтириш, Ўзбекистондан Латвияга озиқ-овқат саноати маҳсулотларини етказиб бериш ҳажмларини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Ишбилармон доираларнинг бевосита алоқалари мустаҳкамланиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Бу, хусусан, Болтиқбўйи бозорларини Европа Иттифоқининг барча талабларига жавоб берадиган аъло сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилади. Маълумки, бугунги кунда Латвияда сотилаётган Ўзбекистон маҳсулотлари кўп ҳолларда бевосита эмас, учинчи мамлакатлар орқали келтирилади. Бу уларнинг нархига ҳам салбий таъсир кўрсатаётир. Аслида, Ўзбекистон ўз озиқ-овқат товарларини нафақат Болтиқбўйи бозорларига, балки қуритилган мева ва полиз маҳсулотларини савдо флотига ҳам етказиб бериши мумкин. Бу, албатта, ишбилармон доираларнинг вазифаси. Томонлар икки мамлакат тадбиркорларини мазкур йўналишда иш олиб боришга жалб этишга келишиб олдилар. Бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар мавжуд. Энди гап тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйишда.

Маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. 2004 йилда Рига шаҳрида машҳур аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг, 2006 йилда улкан мутафаккир Абу Али ибн Синонинг ҳайкали ўрнатилиши латвияликларнинг халқимизга, буюк аждодларимизга ва бой меросимизга юксак ҳурмат-эҳтиромининг амалдаги яққол ифодаси бўлди.

Мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри ҳамда Латвия миллий операси ўртасидаги ижодий ҳамкорлик тобора кенгаймоқда. Бадиий ва фото кўргазмалар, кино декадалари, концертлар ташкил этилмоқда, икки мамлакатнинг фольклор жамоалари Ўзбекистон ва Латвияда ўтказилаётган турли маданий тадбирларда иштирок этмоқда. Хусусан, Латвия санъаткорлари Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келади.

Таълим соҳаси ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидандир. Бугунги кунда Ўзбекистон Латвияда ўқиётган хорижлик талабалар сони бўйича бешинчи ўринда туради. Латвияда қарийб 200 нафар ўзбекистонлик йигит-қиз таҳсил олмоқда.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Латвия Республикаси Президентининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт ва юклар транзити, савдо алоқаларини кенгайтириш, туризм ва инвестициявий ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Латвия Сеймига ташриф буюриб, Спикер Солвита Аболтиня билан музокаралар ўтказди. Давлатимиз раҳбари Латвия парламенти фаолияти билан танишди. Суҳбат жараёнида парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Латвия Бош вазири Валдис Домбровскис билан учрашуви бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида ташриф давомида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Ислом Каримов Латвия Президенти Андрис Берзиньш ҳамроҳлигида Озодлик монументи пойига гул қўйиб, Латвия озодлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Ушбу ташриф икки томонлама ҳамкорлик ривожига янада жадал суръат бахш этиши ва уни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
*Тошкент – Рига – Тошкент.*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Жиззахда «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари» мавзусида семинар ўтказилди.**

**• Беруний туманида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мавзусида семинар бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидаги фермер хўжаликлари раҳбарлари, ирригация ва мелиорация тизими ходимлари, соҳа мутахассислари иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, хусусан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди.**

**• Зарафшон шаҳридаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий тарзда жиҳозланган таълим масканида хореография ва тасвирий санъат хоналари ҳам ташкил этилди. 250 ўқувчига мўлжалланган мактабда болаларнинг ўзлари ёқтирган йўналишда пухта билим олишлари учун барча шароитлар яратилган.**

**• Сурхондарё вилоятининг Шарғун шаҳарчасида кўмир кукунидан брикет ишлаб чиқарадиган янги корхона иш бошлади. Хорижнинг замонавий технологияси билан жиҳозланган корхонада ўндан ортиқ киши иш билан таъминланди. Айни пайтда тежамкор янги ускуналар ёрдамида «Шарғункўмир» акциядорлик жамиятида кўмир кукунидан ҳар куни 10 тоннага яқин арзон, сифатли ва рақобатбардош қаттиқ ёқилғи ишлаб чиқарилмоқда.**

**• Қўштепа тумани Лангар қишлоғида замонавий меъморчилик услубида бунёд этилган 15-болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Ушбу санъат кошонасида 200 ўринга мўлжалланган концерт зали ва рақс зали замон талаблари даражасида жиҳозланди.**

### ЖАҲОНДА

**• Япониядаги «Фукусима-1» атом электр станциясининг дренаж каналларидаги бета-нурланиш энг юқори даражага етди. Яъни, станциядаги дренаж каналларидан 16 октябрда олинган намуналарда жорий йилнинг август ойида 300 тонна радиоактив сув оқиб кетганидан кейинги энг юқори бета-нурланиш — 1 литрга 2300 беккерел қайд этилди. Бошқа дренаж каналидан олинган намуналарда эса бета-нурланиш 12,7 баробар ошиб, 2,2 мингдан 28 минг беккерелгача етди.**

**• Лаоснинг «Lao Airlines» авиакомпаниясига қарашли йўловчи самолёт Паксе шаҳридаги аэропортга қўниш арафасида ҳалокатга учради. Фожиа оқибатида самолёт бортида бўлган 11 та давлатнинг 44 нафар фуқароси ҳамда беш нафар экипаж аъзоси ҳаётдан кўз юмган. Ҳозирча ҳалокат сабаблари ҳақида расмий баёнот берилгани йўқ.**

**• Куни кеча Филиппинда рўй берган 7,2 балли кучли зилзила натижасида кўплаб турар жой бинолари, тарихий иншоотлар, йўллар, кўприклар вайронага айланди. Зилзиладан, айниқса, Бохоль Себо ҳамда Сикихор ороллари жиддий зарар кўрган. Ер қимирлаши оқибатида қурбон бўлганлар сони 156 кишига етди, 374 нафар одам жароҳатланган, 22 киши эса бедарак йўқолган.**

# СУҒУРТА ХИЗМАТИ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси (ОАЖ) томонидан «Аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлари турларини янада такомиллаштириш, имтиёз ва афзалликлар яратиш, муаммо ва ечимлар» мавзуидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

«Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси (ОАЖ) Ўзбекистон суғурта бозоридаги универсал суғурта компанияларидан бири бўлиб, барча турдаги юридик ва жисмоний шахсларга суғуртанинг 17 тоифаси бўйича 100 дан ортиқ хизматларни кўрсатиб келмоқда.

Республикамизнинг ҳар бир шаҳар ва туманларида ўзининг 189 та бўлинмаларига эгалиги ва шаҳар марказларидан узоқда истиқомат қилувчи қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатувчи 536 та суғурта шохобчаларининг мавжудлиги компанияга мамлакатимиз аҳолисини суғурта хизматлари билан кенг қамраш имкониятини беради.

Анжуман давомида аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлари кўлами йилдан йилга кенгайиб бораётгани ҳақида айтиб ўтилди. Охирги йилларда аҳоли учун 7 та янги суғурта турлари яратилди. Улар «Автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ ускунасидан фойдаланиш оқибатида юз бериши мумкин бўлган қалтисликлардан суғурта қилиш», «Вилоятлараро, шаҳарлараро ҳамда тоғли ҳудудларда қатновчи транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш», «Шаҳарлараро йўналишда қатновчи автобус йўловчиларини бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш», «Ихтиёрий тиббий суғурта», «Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга берилган пластик карточкаларни эҳтиёт шарт суғурта қилиш», «Талабаларни бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш», «Кўп қаватли биноларда уй-жой (квартиралар)ни комплекс суғурталаш»дан иборат. Бундай ишларнинг доимий равишда амалга оширилиши аҳоли талабининг ўрганиб борилиши билан боғлиқдир.

— «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси (ОАЖ) республикамиздаги оилалар ва уларнинг аъзоларига ҳаётида тасодифан бўладиган бахтсиз ҳодисалар оқибатида етказилиши мумкин бўлган зарарлардан суғуртавий ҳимоялаш мақсадида 40 дан ортиқ суғурта турлари бўйича хизмат кўрсатиб келмоқда, — дейди компаниянинг ахборот хизмати раҳбари Дилобар Муҳамеджонова. — Компания томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида аҳолига кўрсатилаётган суғурта турлари бўйича 2777730 та шартнома имзоланди ва 25,3 миллиард сўм тушум таъминланди.

Сўнгги йилларда иқлимнинг кескин ўзгариши кузатилаётган бўлиб, бу ўз навбатида турли хил табиий офатларга сабаб бўлмоқда. Ушбу табиий ва техноген ҳолатлар натижасида кўплаб аҳолининг мол-мулки ва саломатлигига жиддий зарар етмоқда. Табиийки, бунда суғуртавий ҳимоя аҳолига етказилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаши ёки уларнинг олдини олишга кўмаклашиши мумкин. Шу мақсадларда компания томонидан аҳолига таклиф этилаётган суғурта хизматлари ҳажми кенгайиб бормоқда.

Компания вакилларининг берган маълумотига кўра, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича 2013 йилнинг ўтган 9 ойида 5046 та фуқарога суғурта мукофотларини тўлашда 50 фоизлик сийлов берилди. Сийлов тариқасида берилган суғурта мукофотлари ҳажми 71167.4 минг сўмни ташкил қилади. Олинган суғурта жавобгарликлари бўйича жорий йилнинг 9 ойлигида аҳолига 3,1 миллиард сўм суғурта товони тўлаб берилди. Суғурта товонларининг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 124,1 фоизни ташкил этди.

Биргина транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш суғурта туридан жорий йилнинг 9 ойлигида аҳолига сотилган суғурта полислари сони 529635 тани ташкил этиб 13,9 миллиард сўм суғурта тушуми таъминланди. Олинган жавобгарликлар бўйича 1,3 миллиард сўм суғурта товони тўлаб берилди.

Ушбу суғурта маҳсулотлари ичида бахтсиз ҳодисалардан оилавий эҳтиёт шарт суғурталаш суғурта турининг харидоргирлиги тобора ошиб бормоқда. Таъминланган суғурта мукофоти ҳажми 1,32 миллиард сўмни ташкил этиб, тўланган суғурта товонлари ҳажми 459,2 млн. сўмдан иборат бўлди.

Анжуманда журналистларнинг саволларига соҳа вакиллари томонидан жавоблар қайтарилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**



***Куни кеча Тошкент Халқаро Вестминстер университетида талабаларнинг битирув маросимига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тадбир ушбу ўқув муассасаси ва Лондон Вестминстер университети ҳамкорлигида уюштирилди.***

**Таълим**

# КЕЛАЖАК САРИ НУРЛИ ЙЎЛ

Ушбу битирув маросимини нишонлаш, Буюк Британия олий таълим тизимининг қадимий анъанаси бўлиб, дунёнинг биринчи олийгоҳлари ташкил топгандан бери доимий равишда ўтказиб келинади.

— Бугунги кун ҳаётимда ёрқин из қолдирди, — дейди Тошкент Халқаро Вестминстер университетини аъло баҳолар билан тугаллаган Темурбек Маҳмудов. — Шундай шарт-шароитларни яратиб берган ва келажагимиз учун мустаҳкам пойдевор қураётган мамлакатимиз Президентига барча тенгқурларим номидан миннатдорчилик билдираман. Келажакда ушбу олий даргоҳда олган билимларимни албатта Ватанимиз равнақи ва тараққиётига бағишлайман.

Жорий йилда Тошкент Халқаро Вестминстер университети тарихида яна бир ёрқин саҳифа очилди. Замон талабларига жавоб берадиган ўқув биноси, янги ўқув-ресурс маркази ва спорт комплекслари қуриб битказилди. Асосий ўқув биноси ва лицей бинолари қайта таъмирланди. Университет майдонининг кенгайиши талабалар сонининг ўсишига имкон яратиб, магистратура ва мутахассислик курсларининг янада ривожланишини таъминлайди. Бу йил университетга 600 га яқин биринчи курс талабалари қабул қилинди. Ҳозирги кунда университет ва лицей талаба-ўқувчиларини жамлаб ҳисоблаганда, бу масканда икки минг икки юздан ошиқ ёшлар таҳсил олмоқда.

2015 йилдан бошлаб эса университетнинг бакалавр ва магистрлик факультетлари сонининг кўпайиши режалаштирилмоқда. Бу талабаларга ўзгарувчан меҳнат бозорининг талабларига жавоб беришдаги интилишлари учун янги имкониятлар яратиб беради. Ушбу лойиҳанинг илк қадамларидан бири сифатида 2013 йилнинг ёзида ташкил қилинган «Халқаро тижорий ҳуқуқ» магистрлик дастурини таъкидласа бўлади. Мазкур йўналиш бўйича ўқиш 2014 йил январь ойидан бошланади.

Университет академик ходимларининг мақола, дастур ва лойиҳаларининг йирик халқаро журналларда чоп этилиши, уларнинг халқаро конференцияларда қатнашиши ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишлари натижасида Тошкент Халқаро Вестминстер университетидаги илмий изланишлар жадал ривожланди.

Энг муҳими, мазкур университет йил давомида мамлакатимизнинг бошқа олий таълим муассасаларининг мониторингида иштирок этди ва шу ўқув даргоҳлари инглиз тили ўқитувчиларининг малакасини оширишга ўз ҳиссасини қўшди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

# ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА УЧРАШУВ

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзия Сенати Президенти Тан Сри Абу Захар Ужанг раҳбарлигидаги парламент делегацияси аъзолари 17 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлди.***

Учрашувда Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги алоқалар кўплаб соҳалар қатори парламентаризм йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Изчил тараққий этаётган Ўзбекистон – Малайзия муносабатлари икки давлатнинг қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, ўзаро амалий ҳамкорликнинг қонуний асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси парламенти делегациясининг Малайзияга ташрифи икки мамлакат парламентлари ҳамкорлигига янги суръат бахш этди.

Музокарада икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Парламентлараро муносабатларни янада ривожлантириш, қонун ижодкорлиги ва назорат фаолияти бўйича тажриба алмашиш, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилди. Икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

– Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланаётгани бизни ғоят қувонтиради, – деди Тан Сри Абу Захар Ужанг. – Ўзбекистонда парламентаризм соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, қўлга киритилаётган ютуқларга хорижда қизиқиш катта. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва икки томонлама дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Сергели туман ҳокимлигида**

# ҚЎШИМЧА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

***Сергели туман ҳокимлиги томонидан жорий йилнинг 27 сентябрида «Сергели туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2014 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида»ги 595-сонли қарор қабул қилинди.***

Ушбу қарорга асосан Сергели туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 152 та ташкилотларда тоифалар бўйича 911 та иш ўринлари банд қилиниб, 2013 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун ҳамда 2014 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган 75 фоизини яратиш тўғрисида буйруқ чиқариб, унинг нусхаларини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар қўшимча иш ўринларини уюштиришга сарфланган маблағларининг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилди.

*Қарорнинг тўлиқ матни билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.*

# МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

***«Яккасарой тумангаз» корхонасида «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

Тадбир Республика Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими томонидан ташкил этилди. Уни ўтказишдан кўзланган мақсад юртимизда Президентимиз раҳнамолигида инсон манфаатларини таъминлаш йўлида, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишдан иборат.

Тадбирда сўзга чиққанлар Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, юртимизнинг тобора яшнаб бораётгани истиқлол шарофатидан эканлигига тўхталишиб, бугунги кунда бутун дунёга таҳдид солаётган диний экстремистик ҳаракатлар, одам савдоси, гиёҳвандлик ва унинг салбий оқибатлари, ҳуқуқбузарлик ва турли жиноий ҳаракатларнинг олдини олишда якдиллик билан ҳаракат қилиш лозимлигини таъкидлаб ўтишди.

**Зарина РУСТАМОВА**

**Ҳуқуқ, бурч ва масъулият**

# БАРЧА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР, УЙ-ЖОЙ, МУЛК ВА ИЖАРА ТЎҒРИСИДА

## 8. МУЛК ДАХЛСИЗ ВА ҚОНУН БИЛАН ҚЎРИҚЛАНАДИ

*Мулкчиликнинг умумий қоидалари*

**Мулкга эгалик қилишда нималарни билишимиз керак?**

Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

Ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хомашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек интеллектуал мулк объектлари мулк бўлиши мумкин.

Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат мулк ҳуқуқининг субъектларидир.

Мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида бир шахсга ёки икки ва ундан ортиқ шахсларга қарашли бўлиши мумкин.

Мол-мулк фуқаро, юридик шахс ёки давлатнинг мулки бўлишига қараб мулк ҳуқуқини, мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқини вужудга келтириш ва бекор қилиш хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Мулк дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади.

Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир.

Мулкдорнинг мол-мулкини олиб қўйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Фуқаролар: мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари; мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари; банкда жамғармаларга эга бўлишлари; тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги билан ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари; ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари; юридик шахслар ташкил этишлари; битимлар тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари; етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишлари; машғулот турини ва яшаш жойини танлашлари; фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиронинг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин.

**Яшаш жойимизга нисбатан бўлган ҳуқуқларимиз ҳақида нималарни билишимиз керак?**

Фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийликда бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари — ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи ҳисобланади.

Белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида қурилаётган янги уй-жойга мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Бир ёки бир неча шахслар томонидан қурилаётган уй-жой қурилиш тамом бўлгунча ва рўйхатдан ўтказилгунча маҳаллий ҳокимият органларининг рухсатисиз бошқа шахсга берилиши мумкин эмас.

Давлатга қарашли уй-жой (квартира)га мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартибида вужудга келади.

Кооператив уй-жойга, квартирага, гаражга, чорбоққа ва бошқа биноларга мулк ҳуқуқи кооператив аъзоси пай бадалларини батамом тўлаб бўлганидан кейин вужудга келади.

Кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларига шу уйнинг умумий жойларини, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартиралар оралиғидаги иҳоталанган (ўралма) пилла-поялар, зинапоялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар, даҳлизлар, техник қаватлар, ертўлалар, чердаклар ва томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмаларни ўз ичига олган умумий мол-мулк улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка эгалик ҳуқуқидаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари улушларининг миқдори ҳамда мазкур мол-мулкни сақлаш ва асраш бўйича харажатларни мулкдорлар ўртасида тақсимлаш тартиби уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчиси ўз улушини бошқа шахсга беришга, ундан фуқаролар ёки юридик шахслар фойдасига воз кечишга, шунингдек уни ўзига қарашли турар жойга ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойга бўлган мулк ҳуқуқидан алоҳида тарзда бошқа шахсга ўтишига сабаб бўлувчи ўзга хатти-ҳаракатлар содир этишга ҳақли эмас.

**Ер майдонига ўзбошимчалик билан иморат қуриб бўлмайди!**

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга — сотишга, ҳадя этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.

Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим.

Шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан башарти мазкур участка шу шахсга қурилган иморат учун белгиланган тартибда бериладиган бўлса эътироф этилиши мумкин.

Иморат қурилган ер участкасининг мулкдори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эгалик қилаётган, доимий эгалик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ҳам ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин. Бу ҳолда иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилган шахс иморат қурган шахснинг харажатларини суд белгилаган миқдорда қоплайди.

Башарти, ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишига сабаб бўлса, ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирса, юқорида кўрсатилган шахсларнинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилиши мумкин эмас.

***Изоҳ:*** *уй-жой қонунчилиги талабларини ҳамда мулкдорлар ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ саволлар билан қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин:*

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги** тел.: 239-05-52.
**Тошкент шаҳар прокуратураси** тел.: 1007, 271-12-26.
**Тошкент шаҳар ширкатлар уюшмаси** тел.: 250-03-85, 250-15-54.

**Жаҳонгир ҲУСАНОВ,**
**Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси**

